O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 8-noyabr • Payshanba • 137 (27.782) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2007 йилда давлат бюджетининг 54,3 фоизи узлуксиз таълим тизими, илм-фан, маданият, спорт, тиббиёт, маҳалла, умуман, шу каби ижтимоий соҳа институтларини ривожлантиришга сарфланмоқда.

Насафлик оқиллар
ҳар ишда маслакдош ва кўмакдош бўлишмоқда
2

«Файбулло ота маҳаллага нима зарур бўлса ҳаммасини имкон қадар шай қилиб қўйган. Керак вақтида сарсон бўлиб бошқа жойдан қидириб юрмаймиз».

Йўловчи хавфсизлигини ўйлаб
3

«Toyota» автомобиль ишлаб чиқариш компанияси орқа юкхонаси йўқ автомобилларнинг орқа ўриндиғидаги йўловчилар хавфсизлигини ўйлаб, хавфсизлик ёстиқчасини ўрнатмоқчи.

Юрт шарафини улуғлаган фарзанд
4

Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида ўтказилган XIV жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Аббос Атоев (81 кг. вазн тоифасида) финал жангида матонат кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди.

«Ўзэкспомарказ»да кўргазма

Бу ерда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган янги технологияларнинг «Ўзагроэкспо-2007» ҳамда «Ўзпродтехэкспо-2007» учинчи халқаро ихтисослашган кўргазмалари очилди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорликда ташкил этди.

Мазкур халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши мамлакатимиз салоҳиятини кенг намойиш қилиш, агросаноатнинг турли тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ва ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибани, замонавий технологияларни оммалаштириш ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Жорий йилдаги анъанавий кўргазмада иштирокчилар сони янада ортди. Унга дунёнинг 17 давлатидан элликдан кўпроқ маҳаллий ва хорижий компанияларнинг вакиллари ташриф буюрди.

Беш бўлимдан иборат кўргазмалардан қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қайта ишлаш воситалари, чорвачилик, чорва озуқаси, ветеринария ва агрокимё соҳасида қўлланиладиган воситаларга кенг ўрин ажратилган.

«Ўзэкспомарказ»да «Чой ва қаҳва» иккинчи халқаро ихтисослашган кўргазма ҳам очилди. Унда чой, қаҳва, табиий дамламалар ҳамда бу жараёнда қўлланиладиган ускуна ва воситалар ишлаб чиқарадиган ўнлаб маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари ўз маҳсулотлари ва технологиялари билан иштирок этмоқда.

Суратларда: *кўргазмалардан лавҳалар.*
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида банк тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиш банкларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш қўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга имконият яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошиб бормоқда, аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари бериш миқёслари тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 7,6 ва 7,4 баравар кўпайди. Аҳолининг омонат қўйилмалари ҳажми 38 баравар, банк кассаларига нақд пул маблағларининг тушумлари — 8,1 баравар, иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари — 5 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ҳамон самарали инвестиция марказларига айланганича йўқ, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суст қатнашмоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасини кескин ошириш, банк тизими барқарорлиги, ишончли пул муомаласи, банклар томонидан нақд маблағлар тўсиқсиз ва тўлиқ берилиши кафолатларини яратиш вазифалари долзарблигича қолмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари айланмани қисқартириш ҳамда нақд пулларни банк кассаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайтириш, жумладан озиқ-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2007 — 2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига ушбу қарорнинг 1-, 2-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш бўйича ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб борсин.

2. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

тижорат банклари учун — сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида;

хусусий банклар учун — сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил мобайнида тижорат ва хусусий банкларнинг устав капиталларини кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқлаштириш тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда амалга оширишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Бунда тижорат банклари томонидан мазкур фаолият турларини амалга оширишга алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва суғурта компанияларига бир ой муддатда қуйидагилар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилсин:

банк муассасалари, шу жумладан мини-банклар, махсус кассалар, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоқларини озиқ-овқат (деҳқон) бозорлари ҳудудларида жойлаштирган ҳолда кенгайтириш ҳамда дам олиш ва байрам кунларида белгиланган тартибда ишлашини мажбурий таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)

Нуқтаи назар

Таълим тизимида ижтимоий ҳимоя

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий мезонга асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш йўлида изчил ислоҳотлар бошланганига ҳам мана 16 йилдан ошди. Аслида давлатимиз сиёсатининг бешта устувор йўналишларидан бири ҳам аввало ижтимоий ҳимоя масаласига қаратилган. Шу боис **«Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун!»** деган қанотбахш шиор бугун ҳаётимизнинг бош мақсадига айланиб улгурди. Инсонпарварлик тамойилига асосланган бундай ёндашув эса айни пайтда ҳар бир соҳада ўз самарасини бермоқда.

Бинобарин, Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасида ҳам жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ШҲТ:

Бош прокурорлар мажлиси

Пойтахтимизда 7 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар бош прокурорларининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси бош прокурорлари ва прокуратура органларининг раҳбарлари иштирок этди. Музокарада ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М.Субанов қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди. Унда ШҲТга аъзо давлатларнинг дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. ШҲТ доирасида прокуратура органлари ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ушбу ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

ШҲТга аъзо мамлакатларнинг хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигининг самарадорлиги ошиб бормоқда. Бу ШҲТ маконида барқарорликни мустаҳкамлашда, таҳдидларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан доимий асосда ахборот алмашиб борилаётгани, қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилаётгани, терроризм ташкилотларининг ягона умумий рўйхати тузилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Мажлисда ташкилотга аъзо давлатлар бош прокуратуралари ўртасида терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига, товарлар контрабандасига, уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашда ўзаро ахборот алмашуви ва ҳамкорликни фаоллаштириш, идораларо ҳуқуқий ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Бош прокурорларнинг ҳар йили ўтказиладиган бундай мажлислари ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари томонидан халқаро терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа хавфли кўринишларига қарши курашда ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган қарорларни бажариш учун самарали восита вазифасини ўтайди. Тошкентда ўтган бу галги йиғилиш қарорлар ижросининг боришини кўриб чиқиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ жараёнларнинг узвий давомидир.

Мажлис қатнашчилари минтақа ва дунё миқёсида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид соладиган иллатларга — халқаро терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига, товарлар контрабандасига, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашда ҳамкорликнинг келишилган тамойил ва механизмлари асосида саъй-ҳаракатларни ўзаро бирлаштириб иш юритилса кутилган натижаларга эришиш мумкинлигини қайд этдилар.

Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар прокуратура органлари фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича идораларо ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисни 2008 йилда Хитойда ўтказишга келишиб олинди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

Осойишталик посбонлари сафи кенгаймоқда

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, ички ишлар идораларининг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда ички ишлар идораларини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикамизда ички ишлар идораларида хизмат қилишни орзу қилган ёшларимиз учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шулар қаторида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси ҳам замон талабларига мос, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир соҳа ходимларини тайёрлаш борасида ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жамғарма ҳамда муддатли депозитларга, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган бўш пул маблағларни омонатчиларга маблағ сақланадиган ҳар бир куни учун фоизли даромад қўшган ҳолда вақтинча сақлашга жалб этиш;

деҳқон хўжаликлари, савдо-харид фирмалари ва бошқа кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва микромолия, шунингдек, озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш бўйича хизмат кўрсатиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва тижорат банклари бир ой муддатда ҳудудлар доирасида ҳар бир тушум манбалари бўйича пул оқимининг ўзгариши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини тўлиқ топширгани ва топширишдан бўйин товлагани тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топиши таъминланган тезкор ахборотни кундалик айирбошлашнинг умумреспублика ягона электрон тармоғини жорий этсин.

6. Қуйидагилар 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил муддатга:

юридик шахсларнинг тижорат банкларининг депозитларига ва қарз қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлари солиқ солишдан;

Республика инкассация бирлашмаси — бўшайдиган маблағларни инкассация хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш шарти билан қўшилган қиймат солиғи ва мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 7 ноябрь

Ахборот ресурс маркази иш бошлади

Фарғона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида янги ахборот ресурс маркази ташкил этилди.

Айни вақтда марказ мукаммал таъмирдан чиқарилиб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Институт тингловчилари бу ердан интернет орқали ўзларига керакли бўлган маълумотларни, электрон дарсликларни бемалол олиш имкониятига эга. «Электрон дарслар ўқув хонаси» эса тингловчилар малакасини оширишда салмоқли ўрин тутади. Эътиборли жиҳати, Президент асарларининг мультимедиа варианти, фанлар бўйича электрон дарсликлар ва маъруза матнларининг электрон версиялари намойиш этилмоқда. Шу кунларда тингловчиларни илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги маълумотлар билан ахборот технологиялари асосида тезкор таъминлаш мақсадида мавжуд адабиётларнинг электрон каталоглари яратилмоқда. Ушбу йиғма электрон каталоглар ёрдамида ахборот ресурслари бирлаштирилиб, электрон кутубхона тузилади.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Осойишталик посбонлари сафи кенгаймоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда курсантларга берилаётган назарий билимлар билан биргаликда уларда амалий кўникмаларни шакллантириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, Академия бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник А.Якубов ва бошқалар Президентимиз бошчилигида истиқлол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Жумладан, мазкур Олий курсни битирган юзлаб сержантлар ҳам ички ишлар идораларида жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, қўриқлаш ва бошқа қатор хизматларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Бизнинг ички ишлар тизими мутахассиси сифатида шаклланиб, назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳар томонлама пухта эгаллашимизда барча шарт-шароитларга эга мана шундай курслар яратиб берилгани учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдирамиз. Ишонтириб айтамизки, биз қасамёдимизга содиқ қолиб, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида бутун куч ва ғайратимизни аямаймиз, — деди тадбирда сўзга чиққан кичик сержант Б.Маҳмудов.

Шу куни битирувчиларни ота-оналари, яқинлари уларнинг ўқув жараёнларини муваффақиятли якунлаганликлари билан муборакбод этишди.

(ЎзА)

Нуқтаи назар

Таълим тизимида ижтимоий ҳимоя

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда «ижтимоий ҳимоя» тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак. Ижтимоий ҳимоя — бу фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун давлат ва жамият томонидан амалга ошириладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, у аҳолининг турмуш даражасини узлуксиз ошириб бориш мақсадини кўзлайди. Мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг ижтимоий ҳимояга йўналтирилганлиги нафақат аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик орқали турмуш шароитини яхшилашга қаратилган фаолиятларига эркинлик берилишини ҳам назарда тутади. Бугун мамлакатимизда ушбу мақсад йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном олган 2007 йилда давлат бюджетининг 54,3 фоизи узлуксиз таълим тизими, илм-фан, маданият, спорт, тиббиёт, маҳалла, умуман, шу каби ижтимоий соҳа институтларини ривожлантиришга сарфланмоқда. Демак, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришда ҳам ижтимоий муҳофазанинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичи ва уни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг аҳамияти бу тизимнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли, қолаверса, аҳоли муайян қатламини қамраб олиш даражаси билан белгиланади. Шу боис ушбу тизимни иқтисодий бошқариш мураккаб жараён бўлиб, у иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиган кўпгина тармоқларини бошқаришдан қатор жиҳатларига кўра фарқ қилади. Уларнинг асосийси, тизимнинг нафақат олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш билан чекланиши, балки жамият ва давлатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа эҳтиёжларини таъминлашнинг муҳим омили бўлган меҳнат ресурсларини юзага келтириши ва такомиллаштириб боришдан иборат. Чунки Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, **«...янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга».**

Миллий иқтисодиётнинг бозор қонуниятларига таянган ривожини ижтимоий ҳимоясиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, бу таълим тизимида ўзгача долзарблик касб этади. Чунки аҳолининг ижтимоий таркиби ана шундай ёндашувни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида таълим тизимида ижтимоий ҳимоялашнинг моҳияти, зарурлиги ва долзарблигини асослашни, ижтимоий ҳимоянинг иқтисодий механизмини йўлга қўйишни тақозо этади.

Ўзбекистонда таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда соҳада ижтимоий сиёсатнинг кўрсаткичларини мувофиқлаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, мақсадли ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлаш долзарб аҳамиятга эга.

Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида 2001 йилдан мамлакатимизда таълим кредитининг жорий этилиши ва уни олишда ёшларга қатор имтиёзлар белгиланган бу борадаги асосий қадамлардан бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, чин етим, Мехрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз, кам таъминланган оилалар фарзандларига эса 50 фоизлик имтиёзли таълим кредитлари берилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, сўнгги беш йил ичида талабаларга бериладиган стипендиялар миқдори 5 бараварга ошгани, Давлат стипендиялари совриндори бўлган тўлов-контракт асосида ўқиётган ёшларни олий таълим муассасаларининг ҳисобидан рағбатлантирилаётгани ҳам соҳада ижтимоий ҳимоянинг иқтисодий механизми такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Қолаверса, айни пайтда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг анъанавий турлари, яъни рағбатлантиришнинг мукофот, моддий ёрдам, устама ҳақ, шунингдек, санаторий-соғломлаштириш масканларида дам олишини ташкил қилиш кўринишлари амал қилмоқдаки, бу ҳам давлатимизнинг нафақат таълимни такомиллаштиришга, балки шу соҳада меҳнат қилаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга кўрсатаётган доимий эътиборидир.

Шу ўринда олий таълим тизимида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари яратилган бўлишига қарамай, соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб тармоқ учун тегишли махсус дастурлар ва кенг қамровли лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарурати сақланиб қолаётганини ҳам қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, олий таълимда меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик фаолиятини рағбатлантириш механизмини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш вазифалари ҳам олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Шундай экан, таълим тизимида ижтимоий ҳимоялаш кўлами ва даражасини аниқлаш, унга йўналтириладиган ресурсларнинг шаклланиш манбалари ва сарфланиш таркибини такомиллаштириш учун доимий равишда таълимнинг барча соҳаларини қамраб оладиган ижтимоий ҳимоялаш мониторингини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Олий таълим тизими ижтимоий соҳанинг асосий тармоқларидан бири экан, таълим хизматларининг олдига кенг қамровли ижтимоий вазифалар юкланади. Бу, ўз навбатида, таълим тизимининг бошқа соҳалар билан интеграциялашувини ҳам тақозо этади. Бунинг натижасида таълим тизимининг ижтимоий хизматлар тури кўпаяди, даромадлар доираси ортади. Бу эса таълим истиқболида ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини кенгайтиради.

Муҳаммадали САИДОВ,
иқтисод фанлари доктори.

Маҳалла ва партия ташкилоти

Насафлик оқиллар

ҳар ишда маслакдош ва кўмакдош бўлишмоқда

Рогузар — қадим карвон йўлидаги гузар, Қарши шаҳрининг бош дарвозаларидан бири бўлган. Эндиликда ободлик, яхшилик, ибратли ишларга кенг эшик очган кўркам маҳалла. Ўзбекистон ХДП Жамоатчилик қабулхонасининг қуйи тармоғи — маҳалла бўлими ҳам илк бор шу жойда ташкил топган эди. Ҳудуди бир томондан Қашқадарё қирғоқларига туташ. Кўчалар тоза, кўркам иморатлар қад кўтарган. Маҳалла идораси жойлашган ҳовли дарахтзор, гулзор. Шу туфайли 2003 йилда «Экосан» халқаро ташкилотининг «Энг обод маҳалла» дипломи ва 5,5 миллион сўм пул мукофотига сазовор бўлди. Биз маҳалла ҳовлисида стол-стулларни тушираётган йигитга дуч келдик.

— Ўзим машина тузатувчи устаман, — дейди Шуҳрат Шеров. — Кичикроқ маърака қилгандик. Маҳалланинг стол-стулидан фойдаландик. Ғайбулло ота маҳаллага нима зарур бўлса ҳаммасини имкон қадар шай қилиб қўйган. Керак вақтида сарсон бўлиб бошқа жойдан қидириб юрмаймиз.

— Бу ҳақ гап, — дейди ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, ҳамроҳим Рашид Муртозаев. — Шаҳардаги 62 та маҳалланинг ҳар бирида иш ўринлари яратиш, тадбиркорларга кўмак бериш яхши йўлга қўйилган. Ҳудудий партия ташкилотлари бу борада ҳамкор. Аввало, маҳаллалар раҳбарларининг кўпчилиги партиямиз аъзолари. Мана шу Рогузар маҳалласидаги бошланғич ташкилот атрофида ҳам 19 нафар аъзо бирлашган. Уларнинг аксари ёшлар. Аммо оқсоқоллар кенгаши ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, ҳаётий тажрибаси кўп кексалардан ташкил топган. Улар ҳар доим ёшларга маслаҳатгўй, ўрнак...

Ҳовлидаги стол атрофига ўтирдик. Бироздан сўнг маҳалланинг донишманд, деб аташга арзийдиган кексалари даврага қўшилишди. Роза ая Қиличева узоқ йиллар масъул вазифаларда меҳнат қилган, ҳозир бир этак невара-чевараларнинг саксон ёшли севимли бувиси. Саксонни қоралаган, иқтисодчилик касбидан обрў топган Мўмин Бозоров уруш йиллари нон танқислиги, коврак, тактак, чимтол деган ўтўланларни ейишга мажбур бўлишганини айтиб, ўз нонимиз, юртимиз озодлигига шукр, дея қайта-қайта таъкидлайди. Олтмишдан ошган Раҳмон Исматов оддий ҳайдовчиликдан автокорхона раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтган, қотма, ҳаракатчан киши. Кейинроқ даврага қўшилган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайбулло Отабоев эса кўпгина хайрли ишлар ташаббускори. Барчаси Ўзбекистон ХДП ғояларини тарғиб этадиган, партия ташкилотлари билан доимий ҳамкорлик қилиб келаётган кишилар.

Яхши ишларнинг бошида турган, кўпчиликнинг бошини қовуштирган Ғайбулло отага қараб ҳайратга тушасан. Етмишга яқинлашиб қолган, соқоллари қордек оппоқ, тетик ва сўзлари ўктам бу киши партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси ва вилоят кенгаши аъзоси экан.

— Ҳақгўйлиги, одамларга қайишгани учун Ғайбуллажонни 2001 йил 20 сентябрда маҳалла оқсоқоллигига сайладик, — дейди Роза ая. — Кейинги сайловларда ҳам одамлар уни қўллади. Кўпчилик адашмайди, болам.

— Ҳар бир кишининг ўз дунёқараши, мустақил фикри бўлиши керак, — дейди Ғайбулло ота. — Мен интизом, рост гапнинг тарафдориман. Одамлар бир-бирини ҳурмат қилса, имкони борлар муҳтожларни қўллаб-қувватласа, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашса, ўртада меҳр-оқибат, самимийлик бўлса, Аллоҳ ҳам заминимизга барака ато этаверади.

— Оқсоқолимиз бир куни Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этамиз, деб қолдилар, — суҳбатга қўшилади Исмат Раҳмонов. — Аввал ҳайрон бўлдик, ахир, ҳар куни одамлар келиб туришибдику. Партия аъзолари билан обдон ўйлашиб кўргач, бу ишни маъқул кўрдик. Чунки партиямизнинг мақсади, ибратли ишларини ёшларга ўргатишимиз, ўзимизга ўринбосарлар тайёрлашимиз, ўрнак бўлишимиз керак-да. Маҳалламизда Ҳамида ва Пўлатой деган қўшнилар бузилган девор устидан низолашиб қолишибди. Раис, оқсоқоллар билан биргаликда бордик, бир парча ер ҳаммамиздан қолишини, энг аввало бир-биримизга бағрикенг бўлишимиз лозимлигини тушунтирдик. Улар ҳам тезда ҳовуридан тушишди, қилган хатоларини тушунишди ва ҳозир жуда аҳил.

— Газ, электр таъминоти яхши, — дейди Мўмин ота Бозоров. — Шу ичимлик суви етишмаётган эди. Оқсоқолимиз маҳалла ҳисобидан бироз пул ажратди, ҳашар қилиб 700 метр қувур тортиб келдик. Мана, маҳалла аҳли етарли ичимлик сувидан фойдаланмоқда. 6-10 ёшли болалар 90 ёшли кекса бувисининг қўлида қолиб кетганди. Онаси оламдан ўтган, отаси қамоқда. Қарашиб турдик, телевизор олиб бердик, ҳозир отаси қайтиб келди ва ён-атрофдагиларнинг яхшилигидан миннатдор.

— Бундай масалалар билан кўп киши келади, — дейди Ғайбулло ота ҳаммаслакларининг фикрига қўшилиб. — Ҳар биримиз маҳалладаги мавжуд бўлган муаммони эътиборсиз қолдирмасликка уринамиз. Бу ерда 620 оила бор, 2,5 минг киши яшайди. Мен ҳам отаман, беш ўғлимдан биттаси Чернобилда нурланган эди, касалланиб, ўттиз етти ёшида оламдан ўтди. Фарзандлари ўзим билан. Ўз дардим ўзимники. Бошқалар ҳам дард чекмасин дейман. Шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов маҳалламиздан шаҳар Кенгашига депутатликка сайланган. Яқинда 6 та тикув машинасини муҳтож оилаларга олиб келибди. Энди улар рўзғор тебратишга қийналишмайди. Бир нечта устахоналар ҳам ишлаб турибди. Қумри Шониёзовага «Санам» фабрикаси 3 та тикув машинаси берди, уйида касаначилик цехини очди. Ўнга яқин оила новвойчилик билан шуғулланади, ўн бешта оила чопон тикади...

Мен бу доно кексаларнинг ибратли ишларига ҳавас қиламан. Ғайбулла отанинг ғайратидан ҳайратга тушаман. Маҳаллани велосипедда айланиб, ҳар ишдан огоҳ бўлиб юраркан.

Бир янгиликни севиниб айтишди. Вилоят ҳокимининг ёрдами билан катта бир бино тикланибди. Ҳомийлар ҳам қараб туришмабди. Буни эндиликда спорт зали ва тўйхонага айлантиришмоқчи. «Ёшларнинг истаги бу», дейди оқсоқол. Ҳар қандай кўркам иморат аввал кўнгилда бино бўлади, деган фикр хаёлимдан ўтади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *(чапдан ўнга) маҳалла оқсоқоллари Мўмин Бозоров, маҳалла раиси Ғайбулло ота, Йўлдош бува, Жўрахон ота, Теша Мажид ўғли.*

Тақдимот

Партия фидойиси ҳақида китоб

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакат сиёсий саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллашида кўпгина фидойи инсонларнинг меҳнатлари бор. Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгашига 12 йил раҳбарлик қилган марҳум Фармон Омонов ана шундай сиймолардан бири эди. Президентимиз у киши ҳақида фикр билдириб, шундай деганди: «Фармон Омонов ўзининг фидойи меҳнати, моҳир ташкилотчилик қобилияти, билим ва тажрибаси, ёшларга ғамхўрлиги билан нафақат Қашқадарё аҳлининг, балки бутун эл-юртимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди».

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист Юсуф Бердиев ана шу партия фидойисининг ибратли ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида «Нурли из» деб номланган китоб ёзди. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаганлар» туркумида «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган ушбу ҳужжатли қисса Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ ва энг азиз» республика танловида ғолиб асарлардан бири сифатида эътироф этилди.

Яқинда Қаршида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Нурли из» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар олтмиш беш йил умр кечирган Фармон Омонов ҳаётда юксак инсоний сифатларга эга замондош, етук мутахассис, сиёсатчи, моҳир раҳбар, сўзига содиқ депутат, меҳрибон устоз бўлганлигини, вилоятнинг ҳуррият йилларидаги ривожу равнақига, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсий куч сифатида танилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлиги, унинг бу ибратли ҳаёт йўли китобда муносиб тасвирланганини алоҳида эътироф этдилар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати

Намойиш тарқатиб юборилди

Покистон полицияси Мултон шаҳридаги юристлар ва адвокатлар намойишини куч ишлатиш йўли билан тарқатиб юборди.

«Associated Press» АА хабар беришича, минг нафарга яқин юрист ва адвокат мамлакатда жорий этилган фавқулодда ҳолат тартибига қарши норозилик намойиши ўтказаётган эди. Полиция билан тўқнашув натижасида бир неча намойишчи жароҳат олган.

Умуман, фавқулодда ҳолатга қарши кайфиятдаги авдокатлар норозилиги кўпгина шаҳарларда кучайди. Лахор, Равалпинди, Пешовар ва бошқа шаҳарларда ҳам норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

Маълумки, ўтган ҳафтанинг шанбасида Покистон президенти Парвез Мушарраф мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этган ва Олий суд раисини истеъфога чиқарган эди. Кейин эса нодавлат телеканаллари эфирлари тўхтатилди, Исломобод ва бошқа шаҳарларга ҳарбий қўшин киритилди.

Ғарб оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, мобиль алоқалари ҳам ўчириб қўйилган.

Республика маъмурияти мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинишининг сабабини Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда жангариларнинг фаоллашуви ва террорчилик актлари содир этилишининг кўпайганига қарши қўлланилган чора сифатида изоҳламоқда.

Ҳукумат баёнотига кўра, келгуси йил январда ўтказилиши мўлжалланаётган парламент сайловлари бир йилга кечиктирилиши мумкин экан.

Парламент аъзолари террор қурбони



Афғонистон шимолидаги Бағлон шаҳрида содир этилган террор натижасида 90 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди, 50 дан ортиғи эса турли даражада тан жароҳати олди, дея хабар беради «Reuters» АА.

Маълумотларга қараганда, ўзига портловчи мосламаларни тақиб олган камикадзе ҳудудга ташриф буюрган парламент аъзолари олдида ўзини портлатиб юборган. Натижада парламент аъзоларидан 6 нафари жумладан парламент спикери Мустафо Қозимий ҳам қурбон бўлган.

Гумонланиб қўлга олинди

Италия махсус хизмати халқаро террорчилик ташкилотларига қарши операция ўтказди. Милан прокуратураси қарорига кўра, амалга оширилган ушбу операция давомида 20 нафар хорижий фуқаро терроризмга алоқадорликда гумонланиб қўлга олинди. Улар террорчилар тайёрлаб, Афғонистон ва Ироққа жўнатаётганликда гумонланмоқда.

Тинтув пайтида улар ёнидан электрон портлаш мосламалари, турли заҳарли моддалар топилган. Бироқ тергов-чиларнинг маълумотларига кўра, Италияда террорчилик актлари содир этиш улар режасида кўзда тутилмаган.

«АНСА» АА хабарига қараганда, қўлга олинганлар шахсни тасдиқловчи сохта ҳужжатлар тайёрлаганлик, нолегал муҳожирликни ташкиллаштирганлик ҳамда террор содир этгани учун қидирилаётган шахсларни яширганликда айбланмоқда.

Шунга ўхшаш антитеррор операциялари Европанинг бошқа бир қанча мамлакатларида ҳам амалга оширилди.

Йўловчи хавфсизлигини ўйлаб

«Toyota» автомобиль ишлаб чиқариш компанияси яна бир янгиликка қўл уришни мўлжаллаб турибди, яъни орқа юкхонаси йўқ автомобилларнинг орқа ўриндиғидаги йўловчилар хавфсизлигини ўйлаб, бу ерга хавфсизлик ёстиқчасини ўрнатмоқчи. Негаки, орқадан келиб урганда орқа ўриндиқда ўтирганларнинг жароҳатланиш даражаси бундай автомашиналарда орқа юкхонаси бор машиналарга қараганда юқори. Шунинг учун ҳам эндиликда «Toyota» заводларида ишлаб чиқарилаётган бундай автомобиллар кабинасининг нафақат олд қисмида, балки орқа ўриндиғида ҳам хавфсизлик ёстиқчалари ўрнатилади.



Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги
Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах шаҳридаги вилоят прокуратураси биноси қурилиши (қурилишни тугаллаш)»
Қурилишни тугаллаш муддати — 210 кун.
Буюртмачи манзили — Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.
Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2008 йилда қуйидаги иншоотлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 1-1.

Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Тўда-Бойсун» сув қувури тармоғини қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 105,263 млн. сўм, қурилиши муддати — 120 кун.

Лот 1-2.

Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Деҳнаижом» маҳалласини «Хўжамайхона» булоғидан ичимлик суви билан таъминлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 60,13 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-3.

Сурхондарё вилояти, Музработ тумани «Оқтош» ширкат хўжалигидаги сув қувури тармоғини қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 175,6 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 1-4.

Сурхондарё вилояти, Музработ тумани «А.Набиев» ширкат хўжалигида сув қувури тармоғини қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 51,5 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 2-1.

Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги Шарғун шаҳрини ичимлик суви билан таъминлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 43,304 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 2-2.

Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани «Ижтимоят» ширкат хўжалигида сув қувури тармоғини қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 113,801 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 2-3.

Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани марказида сув қувури тармоғини қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 95,4 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 2-4.

Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Авлод» ширкат хўжалигидаги сув қувури тармоғини қуриш.

Иншоотларнинг бошланғич нархи — 94,646 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: ***Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинирнинг компанияси.***

Манзили: ***Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***

Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: ўхшаш объектларни қуриш тажрибасига, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар Амир Темур кўчаси, 69-уй.
Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Тендер савдоларига таклиф этамиз!

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

«Зармитан олтин-маъдан зонаси кони негизида кон-маъдан мажмуаси қурилиши (I-босқич)» лойиҳаси бўйича жиҳозларни етказиш ишларига

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

07/07- сонли ТЕНДЕР:

1- лот:

1. а) Бир барабанли редуктор ва электрдвигателли кўтариш шахта машинаси — 1 к-т;
б) Кўтариш шахта машинасининг фаза роторли захира электрдвигатели — 1 дона.

2- лот:

1. 11НВ3,1 русумли бир қаватли тик кўтарилувчи ағдарилмайдиган шахта катаги — 2 к-т;
2. ПП150А русумли шахта катаги учун посанги — 1 к-т.

3- лот:

1. 11НВ3,1 шахта катаги учун УП 12,5.000 русумли осма қурилма — 1 к-т;
2. 11НВ3,1 шахта катаги учун ПТКА 12,5.000-01.06 русумли шахта парашюти — 1 к-т;
3. ПП 150А посанги учун ПТКПА.000-01.08 русумли шахта парашюти — 1 к-т.

4- лот:

1. Копр шкиви ШК-2,5 — 3 дона.

Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 250 АҚШ доллари *(хорижий компаниялар тўловни АҚШ долларида, маҳаллий корхоналар эса ЎзР Марказий банкининг тўлов бажарилаётган вақтдаги расмий курси бўйича миллий валютада амалга оширади).*

08/07-сонли ТЕНДЕР:

1- лот:

1. Ҳаво компрессор қурилмалари — 3 к-т.

Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 240 АҚШ доллари *(хорижий компаниялар тўловни АҚШ долларида, маҳаллий корхоналар эса ЎзР Марказий банкининг тўлов бажарилаётган вақтдаги расмий курси бўйича миллий валютада амалга оширади).*

Буюртмачи: Навоий кон-металлургия комбинати.

Молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Молиялаштириш шартлари:

— маҳаллий корхоналарга — Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида;

— хорижий компанияларга — АҚШ долларида.

Етказиш шартлари: CIP — «Нурбулоқ» станцияси, станция коди 728204, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, қабул қилувчи коди — 2223, Ўзбекистон, Инкотермс — 2000га мувофиқ.

Етказиш муддати: 2008 йил.

Тендерда шартномаларни тузиш ваколатига ва фуқаролик ҳуқуқдорлигига, тендер асосида харид қилинадиган тегишли ҳажмдаги маҳсулотларни етказиш бўйича етарли тажрибага эга бўлган, таклиф этилган шартларга мувофиқ иштирок этиш истагини билдирган маҳаллий, шунингдек, хорижий ишлаб чиқариш ёки таъминотчи идора ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Закалат суммаси — харид ҳисоб-китоби қийматининг 1-5% миқдорида.

Тендерда иштирок этиш, тендер ҳужжатларини ҳарид қилиш ва топшириш учун тендер ташкилотчиси — НКМК Капитал қурилиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Навоий шаҳри, 210100, Навоий кўчаси, 27-уй.
Телефон: (+99879) 22 77211, 22 77081.
Факс: (+99879) 22 77586, 22 77597.

Тендер ҳужжат (оферта)ларини тақдим этишнинг охирги муддати — эълон матбуотда чоп этилган вақтдан бошлаб 30 кун. Оферталарни очиш санаси тендер ҳужжатларини тақдим қилиш муддати тугагандан сўнг иштирокчиларга қўшимча равишда хабар берилади.

Тендер ҳужжатларининг очилиши қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй, НКМК бошқармаси биносида.

Тендер ҳужжатларига тўловни амалга ошириш учун банк реквизитлари:

Хорижий компанияларга:

ЎзР ТИФ Миллий банки
Тошкент ш., 100084, Юнусобод
Амир Темур кўчаси, 101-уй.
МФО 00450
SWIFT: NBFAUZ2X
Валюта ҳисоб рақами:
22614840200305623002

Маҳаллий корхоналарга:

НКМК ИНН 201204514
Навоий ш., 2,
Навоий кўчаси, — 27.
Х/р 20210000900305623001
ЎзР ТИФ Миллий банки Навоий ш.
МФО 00196 ОКОНХ 12411

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Фарғона вилояти Ўсма касалликлар диспансери танлов савдоси эълон қилади:

Объект номи: Фарғона вилояти Ўсма касалликлар диспансерида қайта қуриш йўли билан радиология бўлимига даволаш (бункер) ва стационар қисмини ташкил этиш «ҚМИ».
Қурилиш муддати — 1-навбати — IV квартал 2007 йил ва 2-навбати — 2008 йил.
Буюртмачи: Фарғона вилояти Ўсма касалликлар диспансери.
Манзили: Фарғона шаҳри, Гулистон кўчаси, 11-уй.
Қурилиш-монтаж ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Юрт шарафини улуғлаган фарзанд

Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида ўтказилган XIV жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Аббос Атоев 81 кг. вазн тоифасидаги финал жангида матонат кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди. Лекин, ютуқларимиз янада салмоқли бўлиши мумкин эди, — дейди бош мураббий Шароф ХУДОЙБЕРДИЕВ



Дунёнинг 122 давлати «чарм қўлқоп» усталари ўн бир (48, 51, 54, 57, 60, 64, 69, 75, 81, 91, +91 кг.) вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Келаси йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи мазкур чемпионатда ҳар бир учрашув муросасиз ва қизғин кечди.

Жаҳон чемпионатида иштирок этган ўн бир нафар боксчимиздан фақат Аббос Атоевгина ўз мухлислари ишончини оқлай олди. Дастлабки учрашувларда Руминия, Франция давлатлари вакилларини нокаутга учратган ҳамюртимиз чорак финалда хорватиялик рақиби устидан очколар ҳисобида зафар қучиб, медаллар учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Финал йўлланмаси учун кечган жангда иқтидорли ёш боксчимизга қозоғистонлик Эркебулан Шиналиев рақиб бўлди. Бу учрашувда Аббос Атоев тўла устунликда ғолиб чиқди — 18:7.

Ярим финалда рақиби литвалик Даугирдас Семиотас жароҳати туфайли рингга чиқмаганлиги туфайли Артур Бетербиев (Россия) финалга тўғридан-тўғри йўлланма олди. Бу Аббос Атоев рақибининг ягона ютуғи эди. Финал жанги қанчалик қийин кечишига қарамай, унда ҳамюртимиз жаҳон чемпионлигига муносиб эканлигини намойиш этди. Шу йилнинг апрелида Германияда ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтган жаҳон чемпионати, июнда эса Мўғулистонда ўтказилган Осиё чемпионатларида шоҳсупанинг юқори поғонасини забт этган Аббос Атоев қўлга киритаётган ютуқлари тасодиф эмаслигини амалда исботлади. У ҳал қилувчи оғир жангда россиялик боксчини очколар ҳисобида мағлубиятга учратди — 20:17. Аббос Атоев — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Шароф Худойбердиев ҳамда Александр Размаховлар мураббийлигида жаҳон чемпионатига йўл олган боксчиларимиздан мухлис ва мутахассислар кўпроқ медаллар кутишганди. Аммо мусобақалар якунида кутилган натижалар қайд этилмади.

— Тўғриси, Чикагодан камида 5-6 та медаль билан қайтишни мўлжаллагандик, — дейди терма жамоа бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Бироқ йигитларимиз якунда битта олтин медаль билан кифояланишди. Бунинг асосий сабаби боксчиларимизнинг айримлари чемпионатда ўз имкониятларини тўла намоён эта олишмаганлиги бўлса, баъзиларига тажриба ва маҳорат етишмади. Масалан, мусобақа олдидан Баҳодир Султонов (57 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Рустам Саидов (+91 кг.)лар фақат олтин медалларга даъвогарлардан ҳисобланаётган эди. Аммо Рустамнинг мусобақалар бошланишига икки кун қолганда қўли оғир жароҳатланганлиги, Баҳодирнинг эса имкониятини тўғри чамалай олмаганлиги тахминларимизни пучга чиқарди. Бундан ташқари нимчорак финал учрашувида рақибини 21:7 ҳисобида енгаётиб, ўз ғалабасига ортиқча ишониб юборган Элшоднинг кутилмаганда зарба ўтказиб, нокаутга учраши умидларимизни саробга айлантирди. Қолган боксчиларимиз учун ҳам жаҳон чемпионати ўзига яраша сабоқ бўлди. Бундан ташқари, спортчиларимизнинг кейинги йилларда асосан қитъа миқёсидаги мусобақалар билан чекланиб қолаётганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Европа ҳамда Африка давлатлари вакилларида тажриба ва маҳорат анча ошганлигини таъкидлашни истардим. Эътибор берган бўлсангиз, боксчиларимиз асосан ана шу қитъалар вакилларига имкониятни бой беришди.

— Олдинда Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи яна қандай турнирлар бор? Терма жамоа таркибида ўзгаришлар бўладими?

— Албатта, АҚШда ўтган жаҳон чемпионати нафақат боксчилар учун, балки мутахассислар учун ҳам жиддий имтиҳон бўлди. Бундан тегишли хулосалар чиқарилади. Жумладан, яқинда бўладиган анъанавий Сидней Жаксон турнирида 48, 51, 54, 60, 64, 91 кг. вазн тоифаларида янги номзодларни кўрик ва назоратдан ўтказишни режалаштириб турибмиз. Чунки олдинда Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи атиги иккита халқаро мусобақа қолди. Қозоғистон ва Таиландда ўтадиган ана шу турнирларда яна камида 9 та йўлланмани қўлга киритишимиз зарур. Бунинг учун эса жиддий ва пухта ишлаш талаб этилади. Менимча, энди таркибдаги ҳар бир ўрин учун кескин рақобат ва кураш боришини йигитлар ҳам юракдан ҳис қилишлари шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Ёшларимизнинг илк ғалабаси

Футбол бўйича бу йилги мавсумда мамлакатимизнинг турли терма жамоалари бир қатор йирик мусобақаларда иштирок этдилар. Жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёзда Осиё чемпионати баҳсларида ишончли тўп суриб, шунингдек, 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари дастлабки босқичидан муваффақиятли ўтди. Келаси йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш ўйинларида мухлислар меҳрини қозонган Вадим Абрамов шогирдларидан фақат ҳал қилувчи босқичдагина омад юз ўгирди.

Яқинда эса Бирлашган Араб амирликларида ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш баҳслари бўлиб ўтди. Қитъамизнинг беш давлати вакиллари қатнашган мазкур мусобақада Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, келаси йили бўладиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма олди.

Шу кунларда эса пойтахтимиз яна бир ўзига хос футбол байрамига мезбонлик қилмоқда. Тошкент Темир йўл транспорти ва муҳандислари институти ўйингоҳида ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашувлари «Д» гуруҳи ўйинлари ўтказилаётир. Унда Ўзбекистон, Непал, Иордания ҳамда Яман футболчилари финал босқичига бериладиган ягона йўлланма учун ўзаро баҳсларга киришган.

Мусобақада қатнашаётган мамлакатимиз ёшлар терма жамоасига собиқ пахтакорчи Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилмоқда. Жамоа таркибидан «Пахтакор», «Шайхонтоҳур», «Насаф», «Қизилқум-Олтин», «Нефтчи», «Уз-ДонгЖу», «Цементчи», «Трактор», «Машъал» ҳамда «Рубин» (Қозон, Россия) футбол клубларида тўп сураётган йигирма уч нафар футболчи жой олган.

Гуруҳ баҳсларининг дастлабки турида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси яманликларга қарши майдонга тушди. Тенг курашлар остида ва ниҳоятда асабий руҳда кечган ушбу ўйинда ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ачинарлиси, учрашувда бир йўла икки ўйинчимиз — Шерзод Каримов ҳамда ғалаба тўпи муаллифи Даврон Мирзаевлар майдондан четлатилди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Иордания вакиллари Непал ёшлар терма жамоаси дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0.

Бугун эса иккинчи тур учрашувлари ўтказилади. Унда Яман — Непал, Иордания — Ўзбекистон футболчилари ўзаро куч синашадилар. Бу ўйинлар гуруҳ пешқадамига ойдинлик киритиши билан аҳамиятлидир.

Кураш — II Осиё ўйинларида

23 октябрь — 3 ноябрь кунлари Макао давлати ёпиқ иншоотларда ўтказилган спорт турлари бўйича II Осиё ўйинларига мезбонлик қилди.

Спортнинг ўн беш тури бўйича ўтган ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўттиздан ортиқ давлати вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Унда мамлакатимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида иккитадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Энг кўп медаллар шодаси муай-тайчиларимизга насиб қилди. Жумладан, II Осиё ўйинларида Артур Қодиркулов, Мавлонбек Қаҳҳоровлар олтин, Абдулла Худойбердиев кумуш медали билан тақдирланди. Компьютер ўйинлари бўйича эса Дониёр Шомузаффаров иккинчи натижага эришди.

Эътиборли жиҳати, II Осиё ўйинлари доирасида илк маротаба кураш бўйича беллашувлар уюштирилди. Унда қитъамизнинг саккиз давлатидан эллик нафарга яқин полвон тўрт (63, 73, 78 ва +90 кг.) вазн тоифасида гиламга чиқди. Якунда ўз вазн тоифалари бўйича Бидел Хассанхогиён (63 кг.), Маломат Али (73 кг., иккиси ҳам Эрондан), Лин Бел Вун (78 кг., Хитой-Тайпейи) ҳамда Саид Хисрави Нажот (+90 кг., Эрон)лар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар. Беллашувларда ҳамюртларимиздан Сухроб Дўстов (73 кг.) кумуш, Фазлиддин Мелиев (+90 кг.) эса бронза медалига сазовор бўлди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Таълим жонкуярлари

Мактаб яратган инсон

қоракўллик халқ таълими фидойиси Тўхтамурод Жумаев асос солган истеъдодлар масканида ўқишни бугун кўплаб ёшлар орзу қилишади

Инсон дунёга келар экан, доим нимагадир интилиб яшайди. Кимдир боғ яратади, яна кимдир қобил фарзандлар тарбиялайди, бошқа бировларга яхшилик улашгиси келади. Қоракўлдаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев эса фарзандлар камолини ўзига бахт деб билган мураббийлардан. Ўқитувчиликнинг бор машаққати, оромсиз дамларини ўзига ҳаловат билиб, билимли ёшларни тарбиялашда фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган устознинг номи бугун нафақат вилоятда, балки бутун юртимизда кўпчиликка таниш.

— Тўхтамурод ака чинакам мактаб яратган инсон, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Насриддин Раҳимов. — 46 йиллик педагогик фаолияти давомида бу фидойи инсон қанчалаб иқтидорли ёшларни излаб топиб, улардаги интеллектуал салоҳиятни юзага чиқаришда бор меҳнатини аямади. Домланинг ташаббуси ва елиб-югуриши билан туманда 1990 йилдаёқ ёш физик ва математиклар махсус мактаб-интернатига асос солинганди. Ўтган вақт мобайнида республикамиз ўқувчилари томонидан халқаро фан олимпиадаларида эришилган 20 та медалнинг 17 таси айнан шу мактаб-интернат ҳиссасига тўғри келиши бу даргоҳнинг ҳақиқий истеъдодлар масканига айланиб улгурганидан далолатдир.

— Биз шу даргоҳда ўқиётганимиздан фахрланамиз, — дейди иқтидорли ўқувчи Ўткир Болтаев. — Бир неча йилдан буён мактабимиз номидан фан олимпиадаларида қатнашиб келаман. Яқинда Вьетнам пойтахти Ханойда бўлиб ўтган 48-халқаро математика олимпиадасида кумуш медаль соҳиби бўлдим.

Ҳа, Ўткирга тенгқурлари ҳавас қилса арзийди. Негаки, бу ютуқ ёш авлод салоҳиятидан бир белги бўлиб қолмай, балки олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини ҳам беради унга. Дунёнинг 93 мамлакатидан энг иқтидорли ўқувчилар қатнашган мазкур олимпиадада мактаб битирувчиси Ҳамроҳжон Чўянов бронза медалини қўлга киритган бўлса, Алишер Эшонқулов фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Мактабни айланар эканмиз, аввало бу ердаги ўқувчиларнинг кийиниши, юриш-туриши, муомаласига ҳавасимиз келди. Энг эътиборлиси, бугун бу ерда турли вилоятлардан келган 308 нафар иқтидорли бола математика, физика, тарих фанларидан чуқурлаштирилган тарзда таҳсил олишмоқда. Билим олиш учун эса барча шароит муҳайё.

— Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, — дейди жонкуяр устоз Тўхтамурод Жумаев. — Ўйлаб кўринг, илгариги замонда чекка бир тумандаги болалар билан ким ҳам қизиқарди? Ёки қайси фан ўқитувчиси бошқа юртда малака ошириб қайтганини эшитгансиз? Мана, ўзим бир неча хорижий давлатларда бўлиб, тажриба алмашиб келдим. Шогирдларим билан дунёнинг ўнлаб давлатларида халқаро олимпиадаларда иштирок этишимиз кимнинг хаёлига келибди, дейсиз? Ҳамма-ҳаммаси истиқлолимиз туфайли, юртимизда ёшларга яратилаётган эътибор самарасидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шу мактабни битирган 500 нафардан зиёд ёшлар ҳозир мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Мактаб-интернатга ўқишга кириш учун ҳар йили бир ўринга 25-30 нафар бола ҳужжат топширади, албатта бу билим даргоҳининг йил сайин обрўйи ошаётганидан дарак беради. Мактабнинг Ҳазрат Раҳимов, Жуманазар Мустафоев, Саъдулла Холниёзов, Гулнора Жумаева, Фазлиддин Каримов сингари фидойи ўқитувчилари номи эса Тўхтамурод Жумаев номи билан бирга тилга олинади.

Ана шунинг ўзи нафақат Бухорода, қолаверса, юртимизда ҳам бу мактабнинг шуҳрати нечоғли баланд эканини исботлайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Экология

Хазонларни ёқманг...

Куз. Хазонрезги фасл. Аммо олтин кузнинг ўзига яраша ташвишлари ҳам бор. Одамлар кўпроқ маҳалла, хонадонларни саранжом-саришталаб турли хил чиқинди, айниқса, дарахтдан тўкилган япроқларни тўплаб, атроф-муҳитни тоза сақлашга эътибор қаратадилар.

Дарвоқе, озодалик ва саришталикка нима етсин? Аммо хазонларни ёқсангиз...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарахт барглари, чиқиндилар ёнганда атроф-муҳит ифлосланади, энг ташвишли томони, аҳоли саломатлигига салбий таъсир этади. Аҳамият берганмисиз, барглар тўкилишидан олдин тўқ рангга кириб, чангга беланиб қолади. Чунки яшил олам баҳор, ёз бўйи атмосфера ҳавоси ва тупроқдаги турли токсик моддаларни — автотранспорт, саноат корхоналаридан чиқаётган газли чиқиндилар таркибидаги заҳарли моддаларни, чанг-тўзонни «ютиб» олган бўлади.

Хазонлар ёқилганда кул таркибидаги оғир металл заррачалари тупроқнинг юқори қисмида тўпланиб қолади ва атмосфера ҳавоси булғанади. Оддий целлюлоза, яъни полимер ёнганда полициклик моддалар ҳосил бўлади. Ёки турли хил маиший чиқиндиларга ўт қўйганимизда турли хил полиароматик углеводородлар, ўта заҳарли, инсон саломатлиги учун хавфли — канцероген модда (бензапирен) ҳосил бўлади.

Маълумки, тутун таркибида асосан монооксид углероди, яъни, ис гази — CO-мавжуд. Ис гази соғлиқ кушандаси, у қон таркибидаги гемоглобин билан (метгемоглобинга айланиб) осонгина қўшилади ва инсон организмига кислород етиб боришини қийинлаштиради, танани заҳарлайди.

Баъзилар ҳаво нам пайтларда ҳар хил чиқинди, шох-шабба ва хазонларни ёқишади. Оқибатда ҳавода инсон соғлиғига хуруж қилувчи «модда» пайдо бўлади. Чиқиндига ўт қўйилганда, чалачулпа ёниб, бурқисиб ётган қуйиндидан ҳавода микрозаррачалар ҳосил бўлади. Улар қанча майда бўлса, инсоннинг танасига нафас йўли орқали тушади ва қонга «сўрилади». Тасаввур қилиб кўринг, бир тонна чиқинди ёнганда 9 килограмм шундай заррачалар ҳосил бўларкан...

Агар хазонга қўшиб ҳар хил полимерлар ҳам ёндирилса, заҳарли модда — диоксидлар ҳосил қилади. Хазон, чиқинди ёнган гулханлар тутунида инсон соғлиги учун зарарли ҳисобланган моддаларнинг концентрацияси белгиланган меъёрлардан 200-300 баравар ортиқ бўлади.

Яна бир жиҳат: хазонлар ёқилганда ҳавога тарқаладиган тутун аввало, ёши кексалар, аёллар, болалар соғлиғига жиддий путур етказади. Аҳоли орасида астма, аллергия, зотилжам, гипертония, қон босими кўтарилиши каби касалликларга олиб келади. Олимларимиз ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, кўча юзида (автотранспорт серқатнов йўллар четида) ўсган дарахт хазонлари ёндирилганда, улар юзида тўпланган қўрғошин чанги (ўта канцероген модда) сурункали заҳарланишга олиб келиши аниқланган. Афсуски, биз баъзан хазонлар сасиб ёниб, тутуни кўкка ўрлаб ётса ҳам ёнидан бепарво ўтиб кетаверамиз...

Кези келганда, шуни айтиш керакки, маҳаллалар қўмитаси, ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва масъул ташкилотлар «Махсустранс» билан шартнома тузиб, чиқиндиларни вақтида олиб кетилишини таъминлашлари ва назоратни кучайтиришлари мақсадга мувофиқ. Зеро, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунимизнинг 4-моддасида: **«Фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлослани-шига, камайишига ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир этишига олиб келувчи хатти-ҳаракатлар-ни қилмасликлари шарт»**-лиги мажбурият қилиб белгилаб қўйилган.

Хазонларни ёқманг!.. Зотан, турар-жойлар, маҳалла ва хонадонларимиз озодалиги, саранжом-саришталиги ўзимизга боғлиқ.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7824 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari.

O`zA yakuni — 00.10
Topshirilgan vaqti — 01.15
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda